



## ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

5 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаиловни қабул қилди.



Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Бош вазир Алихан Смаилов давлатимиз раҳбарига Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. 2022 йилда товар айирбошлаш 18 фоизга, жорий

йил бошидан эса 12 фоизга ошди. Уч мингдан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Юк ташиш ҳажми ортмоқда. Фаол гуманитар алмашинулар давом этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ҳукуматлараро комиссия йиғилишининг сермахсул якунларига, энг аввало, устувор иқтисодий лойиҳаларни, шу жумладан, Саноат кооперацияси халқаро марказини ташкил этишни илгари суриш бўйича келишувларга эришилганига юксак баҳо берди.

Яқин йилларда 10 миллиард доллар мақсадли курсаткичига эришиш

учун савдони кўпайтириш ва экспорт-импорт амалиётларининг мутаносиблигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ташқи савдо компанияси фаолиятини тез фурсатда ишга тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, машинасозлик, энергетика, қазиб чиқариш саноати, транспорт ва логистика, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда инвестиция лойиҳалари портфелини кенгайтириш устувор вазифи сифатида белгилаб олинди.

ЎЗА

## ФРАНЦИЯНИНГ ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАРИ БИЛАН МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИМКОНЯТЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 май куни қўшма Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси, Франция ташқи савдо, иқтисодий жозибадорлик масалалари ва хориждаги француз фуқароларининг ишлари бўйича вазир-делегати Оливье Бешт бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Мамлакатимизда Франциянинг етакчи компания ва ташкилотлари иштирокидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликнинг аниқ лойиҳаларини илгари суриш ва жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида вазир Оливье Бешт Франция Президенти Эммануэль Макроннинг самимий саломи ва шахсий мактубини етказди.

Давлатимиз раҳбари 5 май куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда "MEDEF" ҳаракати ишбилар-

монлар миссияси жорий йил апрель ойида мамлакатимизга амалга оширилган ташрифнинг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этди.

"Яшил" иқтисодий, қазиб чиқариш тармоғи, туризм инфратузилмаси ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, бошқа устувор йўналишларда амалга оширилаётган стратегик лойиҳалар изчил юксалиб бораётгани таъкидланди.

Франция компанияларида шаҳарсозлик, транспорт, тўқимачилик саноати, янги турдаги қурилиш мате-

риалларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиши ортиб бормоқда.

Ўзбекистон етакчиси Ўзбекистон — Франция савдо палатасини таъсис этиш ва ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини жорий этиш борасидаги режаларни қўллаб-қувватлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШINI КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 май куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Тожикистон етакчиси давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича умумхалқ референдуми муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриқлади.

Суҳбатда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустақамланиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик суръати ошиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони ўсмоқда. Чегараолди савдо-логистика зонаси барпо этилмоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинулар давом этмоқда — март

ойида Душанбе шаҳрида икки мамлакат етакчи олий таълим муассасалари ректорларининг биринчи форуми самарали ўтди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари жорий кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш ва амалий ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш учун Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва иккинчи Худудлар форуми кун тартибига пухта тайёрлаш муҳим эканини таъкидладилар.

Минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак тadbирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТИМИЗДА ФИФАНING ЙИРИК ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро футбол федерацияси раҳбари Жанни Инфантино билан 5 май куни ўтказган учрашувда мамлакатимизда футболни оммалаштириш ва йирик тadbирларни биргаликда ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Нуфузли глобал спорт ташкилоти раҳбари мамлакатимизда футболни ривожлантириш, унга ёшларни кенг жалб қилиш, истеъдодларни тарбиялаш, оммабop ва замонавий инфратузилмани яратиш, малакали мураббийлар ва соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишloхотларни юксак баҳолади ва тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Жанни Инфантино Ўзбекистон етакчисини ёшлар терма жамоамиз яқинда Осиё Кубогида галаба қозонгани билан самимий табриқлади. Бу соҳада амалга оширилаётган амалий ишлар самарадорлигининг навбатдаги тасдиғи эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ФИФА ўртасидаги

ЎЗА

яқин ва сермахсул ҳамкорлик юксак даражада экани, унинг доирасида булунги кунда мамлакатимизда замонавий футбол кластерини ташкил этиш чоралари кўрилаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистонда жаҳон миқёсидаги спорт тadbирлари ва биринчиликларига тайёргарлик кўриш, ўтказиш, миллий терма жамоани тайёрлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва Ассоциациямиз салоҳиятини оширишга техник кўмакни кенгайтириш ҳамда иқтисодий футболчиларни селекция қилиш тизимини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**МУЛОҲАЗА**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ

## буюк мақсад йўлида битта қалбга айланди

Бутун кучни халқ ичидан олайлик, Кучоқ очиб халқ ичига борайлик!

Чўлпон

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "Янги" сўзига шундай изоҳ берилди: "Илгари бўлмаган, энди юзага келаётган". Биргина "янги" сўзи "янгилик, янгилик, янгиликдан" каби сўзларга ҳам уйғун. Ана шу маънода ҳар бир сўз моҳиятига кўра, ўз юки, руҳи, қалби, илдизига эга. Кўриб турганимиздек, "Янги" сўзи моҳиятида илгари кузатилмаган ёндашув, ривожланиш, тараққиёт, миқдор ва сифат ўзгаришлари бор. Ижодий нуқтани назардан қараганда эса, инсон қалбига илҳом, шижоат, завқ, бунёдкорлик ва яратувчанлик иштиёқини алангалатувчи, уйғотувчи руҳ бор. Жадид маърифатпарварлари бежиз миллатни уйғотувчи маърифий исён тўлкинига "жадид-янги" сўзини асос қилиб олишмаган. Янги сўзи юрагига қулоқ солсангиз у орзулар, ниятлар рўёби, эзгу дуолар ижобатидан сўзлайди.

## МУШТАРАК МАҚСАДЛАР Ўзаро манфаатли ҳамкорлик асоси

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Германия ишончли ва стратегик ҳамкор сифатида қабул қилинади. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар барча йўналишларда жадал ривожланипти. Шу боис, мамлакатимиз халқаро майдонда ўз миллий манфаатларига асосланган ҳолда Германия каби дунёнинг юксак ривожланган, улкан савдо-иқтисодий ресурслар, кенг инвестицион салоҳият ва илгор технологик ишланмаларга эга давлатлари билан очик, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат юритиб келяпти.

Давоми 2-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ФАОЛ ТУРИЗМ РИСОЛАСИ камхарж ва самарали восита

Президентимиз жорий йил 26 апрелда имзолаган "Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори туризм салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, транспорт-логистика ва туризм инфратузилмасидаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, мавжуд ресурслар ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига соҳада фаолият юритаётган тadbиркорлик субъектлари учун қўшимча шароитлар яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Давоми 4-бетда

2016 йил Президентимиз қалбидан нур сочган буюк орзунинг "Янги Ўзбекистон" деб аталиши бежиз эмас. Зеро, куни кеча умумхалқ муҳокамаси — референдумда халқимиз иродаси билан қабул қилинган янгилик билан қабул қилинган янги йўналиш, тараққиёт сари бошлайди. Ҳа, "Янги" сўзининг моҳиятидан фаровонлик, бахт, мунавварлик, шодумонлик, қувонч нафаси келади. 36 миллион инсонни улғу мақсад йўлида миллий бирликка эриштирган, ягона Ўзбекистон халқи сифатида буюк мақсад йўлида битта қалбга айлантира олган янги давр, янги қадамлар муборак бўлсин, азиз ватандошим!





## ЭЪТИРОФ

COUNTRY OF THE MONTH

Uzbekistan

## ЎЗБЕКИСТОН ОЙНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАМЛАКАТИ

Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш борасида ўзига хос тажрибага эга бўлиб бораётган мамлакатга айланмоқда. Бунда, айниқса, аёллар ва ёшларни қамраб олувчи ижтимоий дафтларлар жорий этилиб, аҳоли билан мулоқот амалиёти тобора омалашаётгани эътиборга молик.

Шунингдек, жойларда тадбиркорлик муҳитини яратиш ва ривожлантириш учун вертикал тарзда масъул лавозимлар жорий этилди. Камбағалликни қисқартириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси мунтазам ўрганилиб, бу бўйича қатор дастурлар ишлаб чиқилди. Яъни ижтимоий-иқтисодий соҳадаги маъмуриятнинг камбағалликка қарши курашида муҳим пойдевор вазифасини ўтапти.



Ушбу йўналишдаги ишларда изчиллик таъминланяпти. Бир йўналишдаги ишлар бошқаси билан боғлиқ ҳолда олиб бориляпти. Энг асосийси, бу масалалар доимий эътибор ва диққат марказида. Жумладан, давлатимиз раҳбари яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида ҳам бунга алоҳида тўхталиб, ислохотлар



Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодий энг юқори диверсификация қилинган мамлакат сифатидаги мақоми янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини таъкидлади. Бир йилнинг ўзига 100 мингга яқин янги корхона ташкил қилиниб, киритилган хорижий сармояларнинг йиллик ҳажми 10 миллиард долларга етгани эки 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар ошгани, 1 миллионга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга туширилгани қайд этилди. Ваҳоланки, ислохотлар бошланган даврда бу кўрсаткич 30 фоиздан юқори эди.

Юртимиздаги ўзгаришлар халқаро ташкилотлар эътиборини ҳам ўзига тортмоқда. Хусусан, Камбағалликка қарши кураш бўйича глобал тадқиқот маркази (J-PAL)нинг Европа бюроси май ойида ўз эътиборини юртимизга қаратди. У Ўзбекистонни ойнинг энг яхши мамлакат, деб эълон қилди.

“Май ойида бизнинг эътиборимиз Ўзбекистонга қаратилди, бу ерда J-PAL Европа фактик маълумотларни мамлакатда камбағалликни қайтариш сифатига жалб қилиш имкониятларини ўрганимиз”, дейилади J-PAL Европа бюроси баёнотида.

2023 йилда ташкил этилган J-PAL камбағалликка қарши кураш бўйича глобал тадқиқот марказидир. Унинг Европа, Африка, Жанубий ва Шимолий Америка, Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёдаги етакчи университетларда 7 та худудий ваколатхонаси мавжуд.

J-PALнинг асосий таркиби 400 дан ортиқ мутахассисдан иборат. Бутун дунё бўйлаб 300 га яқин профессор-ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди. Марказнинг бутун фаолияти давомида 91 мамлакатда 1 минг 94 та тадқиқот ўтказилди.

Камбағалликка қарши кураш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни ташкил этиш юртимизда юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналишидир. Сўнгги 5 йил давомида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Яъни камбағалликка қарши фаол кураш бошланди ва уни бартараф этиш бўйича комплекс ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Сўнгги икки йилдаги ислохотлар кун тартибига пандемия келтириб чиқарилган салбий таъсирларга жавоб бериш учун тузатилади.

Ўтган йилнинг май ойида J-PAL Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан камбағалликка қарши кураш бўйича давлат дастурлари самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон ҳукумати

билан ҳамкорликда инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга кўмаклашиш мақсадида семинар ташкил қилинган эди.

Ҳозир эса камбағалликка қарши курашга қаратилган биринчи давлат дастурларининг самарадорлигини ва уларнинг реал даромадлар ўсиши ва камбағалликни қайтаришга потенциал таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотни бошламоқда.

Мутахассислар “маҳаллабай” тизими орқали татбиқ этиладиган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури ва “Ишга марҳамат” мономарказлари фаолияти, жумладан, ташқи миграция йўналиши самарадорлигини замонавий илғор воситалар (методология) билан баҳолаш масалаларини кўриб чиқмоқда.

Давлат дастурлари самарадорлигини баҳолашнинг бундай усули Ўзбекистонда илк бор жорий этилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзига камбағалликнинг кўплаб жиҳатларини ҳал этишга қаратилган истиқболдаги дастур ва стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

## ФАОЛ ТУРИЗМ РИСОЛАСИ

## Камхарж ва самарали восита



**Нурбек ЁҚУБОВ,**  
Мақроқиқсодий ва худудий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими

Бошланиш 1-бетда

Қарорда туризм соҳасида юзага келадиган муаммоларни муҳокама қилиб бориш, уларни тезкор бартараф этиш, туристик салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сонини кўпайтириш бўйича тақлифлар тайёрлаш вазифаси қўйилган.

Шу нуқтаи назардан, бугун биз соҳада эришилган ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги мулоҳазаларимизни эътиборингизга ҳавола этишни жоиз билдик.

Туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айланб бормоқда. Бойси, бу соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда муҳим ўрин тутди. Яъни туризм орқали топишган даромаднинг 30 фоизи одамларга иш ҳақи сифатида берилди, саноатда ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Демак, туризмни ривожлантириш иқтисодий барқарорлик ва фаровонликка хизмат қилади.

Ўзбекистон бой маданий ва тарихий мероси, меҳмондўст халқи ва гўзал табиати билан туризм соҳасида катта имкониятга эга. Мамлакатимизда 8,2 минг маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз шаҳарлари жаҳонга машҳурлиги билан ажралаб туради.

Сўнгги йилларда юртимизда бу борадаги салоҳиятдан унумли фойдаланишга эътибор кучайди. Туризмни ривожлантиришга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва институционал тизим шакллантирилди. Натيجида туризм миллий иқтисодиётнинг “ўсиш нуқталаридан” бирига айланган.

Бизда туризмнинг қарий барча турлари — тарихий-маърифий, гастрономик, соғломлаштириш, тоғ, агро, эко, археологик, зиёрат туризмни учратиш мумкин. Тиббий туризм санаторий-курорт муассасаларида ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сайёҳларни жалб қилиш мақсадида турли ижтимоий-маданий кўнгилочар тадбирлар ташкил этиляпти. Илак ва зираворлар, Халқаро хунармандлик, Бойсун баҳори, Халқаро бахшичилик санъати, Халқаро гуллар фестиваллари, миллий спорт турнирлари каби тадбирлар бунга мисол бўла олади.

Худудларда МICE туризми, яъни ишбилармонлик туризми доирасида ягона реестр яратилди ва “Meetings & Events Catalogue” ишлаб чиқилди. Тадбирларни мувофиқлаштириш учун кўргазмалар маркази ташкил этилди ва салоҳиятли объеклар ўрганилди. Натيجида сайёҳлар сонини сезиларли даражада ошди, туризм бизнеси фаол ривожланди, меҳмонхоналар сонини кўпайди ва туризмнинг янги турлари пайдо бўлди.

## Пандемия таъсири қандай бартараф этилмоқда?

Коронавирус пандемияси туризм соҳаси ва унга алоқадор тармоқларга жиддий таъсир кўрсатди. Гидлар,



хунармандлик, меъморий ёдгорликлар ва санаторий-курорт муассасалари, умумий овқатланиш шохбчалари ходимлари, транспорт ва бошқа тармоқларда ишлаётган юз мингдан ортиқ аҳоли даромади кескин камайди. 2020 йилда 1,8 миллион киши учун ички саёҳат ташкил этилган бўлса, 2021 йилда бу рақам пандемия сабаб 1,5 миллион кишидан иборат бўлди.

Президентимиз қароридан миллий туризм махсусотини хорижий туризм бозорларида кенг тарғиб қилиш вазифаси ҳам қўйилди. Бунинг аҳамияти пандемиядан энг кўп зарар кўрган туризм ва унга алоқадор тармоқларни қўллаб-қувватлаш, иш ўринларини сақлаб қолтириш, даромадларини ошириш ва туризм соҳасини янада ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолаётганида кўзга ташланади. Шу боис, туристик хизматлар, туризм инфратузилмасини диверсификация қилиш ва сифатини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, туризмни самарали ташкил этиш асосида соҳани янада ривожлантириш, туризм махсусотларини (брендларни) реклама қилиш, мамлакатимиз туризм салоҳиятини жаҳон бозорига кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот учун айтиш жоиз, 2022 йилда Ўзбекистонга келган чет эллик сайёҳлар сонини деярли 2 баробар ошди. Агар 2017 йилда улар сонини 2,7 миллионни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 5,2 миллионга етди. 2022 йилда Ўзбекистонга сайёҳлар асосан, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан келган. Очиги, уларнинг асосий қисми сайёҳ сифатида эмас, балки мамлакатимизда яшаётган қариндошларини кўриш, шу баҳона даволини ҳам тиббий куриқдан ўтиш мақсадида ташриф буюрган. Дам олиш ва хордиқ чиқариш мақсадида Ўзбекистонга 385 минг киши ташриф буюриб, энг кўп чет эллик фуқаролар Россия (37,6 фоиз), Қозоғистон (11,2 фоиз) ва Туркиядан (6,3 фоиз) келган.

2022 йилда Ўзбекистонга келган сайёҳлар сонини 2021 йилдагига нисбатан 3,4 миллион кишига кўп бўлди ва ўсиш 2,8 баробардан ҳам ортиқни ташкил этди. Бунинг натижасида туризм



хизматлари экспорти сезиларли даражада ошди. 2017 йилда туризм хизматлари экспорти 546,9 миллион АҚШ доллари эди, 2022 йилда эса бу кўрсаткич 2,9 баробар ошди, 1610,5 миллион долларни ташкил этди.

2017-2022 йилларда хизматлар экспортининг умумий ҳажмида туризм хизматлари экспортининг улуши 1,8 баробар ошди. Агар 2017 йилда бу кўрсаткич 22,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 40,7 фоизга етди.

## “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури самараси

Яна бир муҳим жиҳат, коронавирус пандемияси даврида дунё бўйлаб ички туризм тез ривожланди. Ўзбекистонда ҳам 2019 йилда туризм соҳаси даромадларининг 34 фоизи ички туризм ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2021 йилда 66 фоизни ташкил этди. Аҳоли фаровонлиги



ҳамда юртимизнинг туристик жозибадорлигини оширишда ички туризмнинг юқори аҳамиятини эътиборга олиб, уни ривожлантиришга қаратилган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида мазкур соҳада сезиларли даражада катта ютуқларга эришилганини кўриш мумкин. Масалан, сўнгги йилларда туризм олдидаги 11 катта муаммодан 6 таси ҳал қилинди. Хусусан, сайёҳларга виза бериш эркинлаштирилди. Аэропортлардан навбатлар ва текширишларга барҳам берилди, “яшил” йўлақлар ташкил этилди, вокзалларда ҳам қулай шaroит яратилди. Меҳмонлар электрон рўйхатдан ўтказиладиган бўлди ва уларнинг эркин ҳаракатланиши учун ҳамма шарoитлар яратилди. Валюта айирбошлашга чекловлар бекор қилинди.

Меҳмон ўринлари сонини 3 баробар кўпайтириб, 125 мингга етди (2017 йилда 37 мингга эди). Туристик корхоналар учун ижтимоий солиқ ва айланма солиқ ставкалари 1 фоиз элиб белгиланди, ер солиғи ва мол-мулк солиқ ставкалари 90 фоизга камайтирилди.

Мамлакатимизда бу йўналишда малакали кадрлар тайёрлашга эътибор кучайди. Юртимизда фаолият

У худуднинг табиий ва маданий-этнографик хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун асл табиий масканларга саёҳатни ўз ичига олади. Ўзбекистонда шундай яшил, баҳаво худудлар кўп. Бу борадаги имкониятдан тўлақонли фойдаланиш яхши самара беради. Шу боис, сайёҳлар энг кам борадиган ана шундай худудларда транспорт ва жойлаштириш воситаларига бир вақтнинг ўзига чегирмалар тақдим этиш шаклида маркетинг кампанияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, турли худудларда бу йўналишда фестиваллар ташкил қилиш ҳам сайёҳлар эътиборини жалб этишга хизмат қилади.

## Транспортдан фойдаланиш имкониятини ошириш лозим

Президентимиз қароридан туризм ва маданий мерос объектига олиб борадиган автомобиль йўллари таъмирлаш, давлат бюджетидан маҳаллий авиакатнов йўналишларини субсидиялаш учун қўшимча маблағлар ажратиш чора-тадбирлари белгиланди.

Бу мамлакатимиз туризм салоҳиятини оширишда жуда муҳимдир. Сабаби, “Очиг осмон” режимида ўтган давлатларда авиаташувчилар ўртасидаги рақобат кескин кучайиб бормоқда. Бу нархлар пайсийишга, йўналишлар хилма-хиллиги ортишига ва ҳаво қатновининг тез ўсишига олиб келади. Аммо мамлакатимизда бу борада яхши ишлар талаб даражасида, деб бўлмайди. Масалан, Лондон ва Берлиндан Тошкентга авиачипталар нархи Олмаотага қараганда 30 фоиз, Истанбулга қараганда 2,7 баробар, Тбилисига қараганда 2,1 баробар қиммат.

Мамлакатнинг барча худудларида автомобилларни ижарага бериш хизматларини ривожлантириш, автомобиль ижараси билан шуғулланувчи компанияларни жалб қилиш лозим. Улар туризм хизматлари инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Туркия ва Грузияда 10 та, Қозоғистонда 3 та автомобиль ижараси билан шуғулланувчи халқаро компания фаолият юритади.

Боз устига, қишда сайёҳлар (айниқса, тоғ ва чўл худудларида) ҳаракатланиши учун автотранспорт воситалари етарли эмаслиги, поездга чипталар йўқлиги бир манзилдан бошқасига бориш истагида бўлган сайёҳлар дуч келувчи муаммолардан биридир. Бу муаммолар ҳам ҳал этиш вақти келди.

Инфратузилмани яхшилаш олдимизда турган яна бир долзарб вазифадир. Йўл бўйидаги инфратузилмалар фаолиятини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Бунда кексалар ва имконияти чекланган инсонлар эҳтиёжи учун қулайликларни ҳам ҳисобга олиш муҳим.

Хорижий сайёҳлар учун валюта айирбошлаш имкониятларини ошириш, банкоталарда бошқа валюталарни ҳам алмаштириш функциясини ишга тушириш, меҳмонхоналар ёнида кечю кунду ишлайдиган айирбошлаш шохбчаларини ўрнатилган жоиз. Шу билан бирга, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар маркетинги омалашаётгани, туристик манзиллар ҳақида онлайн маълумотлар зарурлигини эътиборга олиб, диққатга сазовор объектиларни кўп бўлган худудларга саёҳат қилишнинг ўнга сабабини кўрсатуви туризм веб-портали ва мобил иловасини ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқ. Мобил иловалар мавжуд сайёҳлик йўналишлари, кўрсатилаётган хизматлар, санитария-гигиена пунктлари хариталари ва меҳмонхона, кафе-ресторан, музейларга буюртма бериш имкониятларини яратиш керак. Миллий телеканаллар орқали “яшил” туризм турларини тарғиб қилиш, сайёҳларга экологик маданият тўғрисида маълумот бериб бориш ҳам яхши натижа бериши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, туризм ривожини таъминлаш учун кичик муаммо ҳам эътибордан четда қолмаслиги, соҳада ўсишининг янги-янги кирраларини амалга татбиқ этиш доимий эътиборда бўлиши зарур. Зеро, туризм ижтимоий-иқтисодий масалаларни оқилонга ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш, юртимиздаги янгилашиллар ва ўзгаришларнинг дунёга намойиш этишда катта имконият манбаидир.



